

Эртага ҳисоб бору амал йўқ...



15:15 / 18.12.2018 3552

Кўп саҳобалар Али розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидаги мақомларида бўлишни орзу қилишар эди. Аллоҳ Расулуллоҳ билан Алининг мақомларини худди Мусо алайҳиссалом билан Ҳорун манзилидек қилди. Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳунинг ниҳоятда чиройли бир сўзлари борки, у бизларга ўрнатилган бўларлидир:

«Менинг қўрқадиган нарсам ҳавои нафсга тобеъ бўлиш ва узун орзулар қилишдир. Ҳавои нафсга тобеъ бўлиш ҳақдан қайтаради. Узун орзулар эса охиратни эсдан чиқартиради. Огоҳ бўлинглар, бу дунё орқада қолиб кетади. Охират эса олдингизга чиқиб, кутиб олади. Сизлар охиратнинг боласи бўлинглар, дунёнинг боласи бўлиб қолманглар. Бу кунда амал бору ҳисоб йўқдир, эртага эса ҳисоб бору амал йўқдир».

“Ҳадис ва ҳаёт” китобидан